

ЖАҲОН АМАЛИЁТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДАГИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Суюнов Дилмурод Холмуродович,
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
иқтисод фанлари доктори профессор,*
Хўжақулов Қахрамон Каримқулович,
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби,
тингловчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳондаги корпоратив бошқарув моделларининг асосий турлари – инглиз-америка (аутсайдер), континентал (немис), япон ва гибрид моделлар таҳлил қилинган. Ҳар бир моделнинг ҳуқуқий-иқтисодий асослари, манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими ва капитални бошқариш механизми очиқ берилган. Хусусан, Ўзбекистондаги амалдаги гибрид модель хусусиятлари, унинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган ислохотлар, инновацион механизмларни жорий этиш ва халқаро стандартларга мослашув масалалари ёритилган. Мақолада корпоратив бошқарувни такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: Корпоратив бошқарув, инглиз-америка модели, континентал модель, япон модели, гибрид модель, менежмент, акциядорлар, банк назорати, корпоратив механизм, инновация, Ўзбекистон.

Abstract. This article analyzes the main types of corporate governance models in the world, namely the Anglo-American (outsider), Continental (German), Japanese, and hybrid models. The study reveals the legal and economic foundations of each model, the interaction system among stakeholders, and the mechanisms of capital control. Special attention is given to the characteristics of the hybrid model implemented in Uzbekistan, highlighting the need for reforms, the introduction of innovative mechanisms, and alignment with international standards. The article outlines the prospects of enhancing the competitiveness of the national economy through the development of corporate governance.

Keywords: *Corporate governance, Anglo-American model, Continental model, Japanese model, hybrid model, management, shareholders, bank control, corporate mechanisms, innovation, Uzbekistan*

Корпоратив бошқарув – бу менежерлар, директорлар кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи тизимдир. Ушбу тизим компаниянинг фаолияти, инвестицион жозибadorлиги ва стратегик барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувнинг турли хил моделлари шаклланган бўлиб, улар, асосан, тўрт асосий йўналишга бўлинади: инглиз-америка, континентал (немис), япон ва гибрид моделлар.

1. Инглиз-америка (аутсайдер) модели. Инглиз-америка модели, асосан, АҚШ, Буюк Британия, Канада ва Янги Зеландияда қўлланилади. Бу модел ташқи бозор механизмлари орқали корпоратив назоратни амалга оширишга асосланган бўлиб, акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда юксак даражадаги шаффофликка эътибор қаратилади. Акциядорлик жамиятини реал бошқариш профессионал менежерлар томонидан амалга оширилади, бу эса менежмент ва акциядорлар ўртасида агентлик муаммоларининг юзага келиш эҳтимолини оширади. Ушбу моделда капитал тарқоқ ҳолда жойлаштирилган бўлиб, унинг асосий муваффақияти фонд бозорларининг ривожланганлигига боғлиқ.

2. Континентал (немис) модели. Континентал Европа мамлакатларида (Германия, Франция, Швейцария ва бошқалар) кенг тарқалган бўлган немисча модель корпоратив бошқарувнинг ички назорат механизмларига таяниши билан характерланади. Бу модельда ижтимоий шериклик принципига амал қилинган ҳолда, компания фаолиятида иштирок этувчи барча манфаатдор томонлар – акциядорлар, ходимлар, банклар ва жамоат ташкилотлари қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этади. Акциядорлик капитали, одатда, юқори даражада концентрациялашган бўлиб, йирик акциядорлар ва банклар компания устидан тўғридан-тўғри назоратни амалга оширади. Шунингдек, фонд бозори унча ликвид эмас, аммо корпоратив барқарорлик юқори даражада таъминланган.

3. Япон модели. Япон модели иккинчи жаҳон урушидан кейин молия-саноат гуруҳлари – «кейрецу» тизими асосида шаклланган бўлиб, банк

назоратини устувор механизм сифатида қўллайди. Бунда компания акцияларининг асосий қисми бир-бирига боғлиқ юридик ва молиявий структуралар томонидан назорат қилинади. Акциядорлар орасида молиявий институтлар устувор ўринга эга. Фаолиятни назорат қилиш, нафақат акциядорлар, балки кредитор сифатида бош банк орқали ҳам амалга оширилади. Япон модели компаниянинг узок муддатли ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи тўлиқ ёпиқ бошқарув тизимидир.

4. Гибрид модель: Ўзбекистон тажрибаси. Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг гибрид модели амалда бўлиб, унда давлат ва йирик хусусий мулкдорлар асосий роль ўйнайди. Бундай тизимда бошқарув органлари ва меҳнат жамоалари кам фаол иштирок этади, айниқса, иқтисодий инқироз даврларида бу ҳолат янада яққол намоён бўлади. Давлат иштирокининг устуворлиги, бир томондан, стратегик тармоқларда барқарорликни таъминласа, иккинчи томондан, хусусий сектордаги ташаббус ва рақобатбардошликни чеклаш эҳтимолини кучайтиради.

Шу сабабли, Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартларга мос равишда модернизация қилиш, инновацион механизмларни жорий этиш, менежмент шаффофлигини таъминлаш ва акциядорлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш зарур. Бу йўналишдаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- акциядорлар ҳуқуқларини кафолатловчи механизмларни кучайтириш;
- директорлар кенгашининг мустақиллигини ва профессионал фаоллигини таъминлаш;
- корпоратив ахборотларни ошкор этиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Хулоса: Корпоратив бошқарув моделларининг жаҳон амалиётидаги турли шакллари давлатлар тарихи, ҳуқуқий тизими, молиявий институционал муҳит ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистонда амал қилаётган гибрид моделни такомиллаштириш, унда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали, мамлакатда рақобатбардош ва барқарор инновацион иқтисодиётни шакллантириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи инвесторлар учун қулай муҳит яратиш, халқаро бозордаги фаол иштирок ва миллий компанияларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Suyunova D.D. Korporativ boshqaruvning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish masalasiga ilmiy qarashlar. Iqtisodiy tarqiyot va tahlil ilmiy elektron jurnali, 2024 yil 31 iyul. <https://e-itt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379>.
2. Suyunova D.D. Raqamli texnologiyalardan foydalanish asosida korporativ boshqaruvning samaradorligini oshirish masalasiga ilmiy yondashuv. (Raqamli iqtisodiyot sharoitida biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishning dolzarb muammolari, xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya, 2022 yil 23 dekabr.)
3. Suyunova D.D. Aksiyadorlik jamiyatlarida korporativ boshqaruvni joriy qilishning raqamli transformatsiyasini amalga oshirishga ilmiy-nazariy yondashuv. (Raqamli iqtisodiyot sharoitida biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishning dolzarb muammolari, xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya, 2022 yil 23 dekabr.)
4. D.Kh Suyunov, T.D. Shermonovna The role and importance of digital technologies in the development of enterprises. The American Journal of Social Science and Education Innovations 4 (02), 15-19.2022.
5. D.X.Suyunov, E.A.Xoshimov Korporativ boshqaruv modellari: konseptual jihatlar, zamonaviy tendensiyalar va konvergensiya imkoniyatlari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali 4, 12-17, 2017.
6. D.X. Suyunov, E.A. Xoshimov, Sh.A. Xusainov Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonaviy echimlar. 2018. 220 bet.
7. D.X. Suyunov, B.A. Xolbaev Loyiha boshqaruvi: uslub va standartlar. O‘quv qo‘llanma. 2018 yil. 195 bet.
8. Suyunov.D.X. Xolbaev.B.A. Методы и стандарты управления проектами. учебное. 2018 год. 210 стр.
9. D.Kh. Suyunov, A.T.Kenjabaev Scientific Approaches to The Analysis of the Experience of Foreign Countries on the Development of Entrepreneurship in The Service Field. Wire Insights: Journal of Innovation Insights 1 (5), 1-7. 2023.

10. D.X. Suyunov Theoretical principles of improving the modern corporate control system in joint stock companies International journal of economic perspectives. 16 (11), 90-97.2022.
11. D.X. Suyunov, S.E. Elmirzayev Korporativ boshqaruv. Darслик–Toshkent 2022.450 бет.
12. A.K. Olimovich, M.Butabaev, S.D. Kholmuradovich Project management in the system of strategic company management Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11 (7), 40-44. 2023.
13. D.X. Suyunov Ways of its Development in Uzbekistan, BPG Economy Genius Repository 24, 7-15.2023.
14. Д.Х. Суюнов, Э.А.Хошимов Замонавий шароитларда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими ривожланишининг асосий йўналишлари. Журнал Экономика и инновационные технологии, 2019. 197-210 бетлар.
15. Б.Ф.Ганиходжаев, Д.Х.Суюнов, Ш.Хусаинов. Пособие по корпоративному управлению. Ташкент–адабиёт учкунлари 2017.
16. D.KH. Suyunov, Kaytarov. V. (2023) Problems in the development of remote banking services in commercial banks of Uzbekistan World economics and finance bulletin 26, 39-46.
17. D. KH. Suyunov, M.I. Maxsudov Benefits of digitalization of the economy in Uzbekistan Экономика и социум, 748-751.2023.